

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АРЗИЕВА БИБИ-САНЕМ АЙНАЗАРОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ
(Қорақалпоқ мактаблари юқори синфлари мисолида)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации докторской философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Арзиева Биби-Санем Айназаровна

Инглиз тилини ўрганишда мактаб ўқувчиларини маънавий-ахлокий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими (Қорақалпоқ мактабларининг юқори синфлари мисолида) 5

Арзиева Биби-Санем Айназаровна

Педагогическая система развития духовно-нравственной компетентности учащихся школ в изучении английского языка (на примере старших классов Каракалпакских школ)..... 23

Arzieva Bibi-Sanem Aynazarovna

Pedagogical system for the development of spiritual and moral competence of schoolchildren in learning English (on the example of senior grades of Karakalpak schools)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШИ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АРЗИЕВА БИБИ-САНЕМ АЙНАЗАРОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ
(Қорақалпоқ мактаблари юқори синфлари мисолида)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.2.PhD/Ped2149 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий
кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ва "Ziyouet" ахборот таълим порталида
(www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алеуов Усербай
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Худойкулов Абдулла Эшқувватович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар
берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 04
куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод
кўчаси, 43. Тел.: (376) 221 74 55; факс: (376) 221 71 17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (52 -рақам билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Баркамол
авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221 74 55

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 04 да таркатилди.
(2022 йил «9» 04 даги 41 рақамли реестр баённомаси).



И. Чариев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М. Қ. Бозорова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

К. Ж. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида сифатли таълим олиш имкониятларини кучайтириш ва кенгайтириш, ижтимоий ва ўқувчиларнинг маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчи-ёшларда жамият ҳаётини маданий, маънавий ҳамда ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қиладиган ва ўсмирлар ўртасида зўравонликнинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш зарурлигини белгилаб бермоқда. Мазкур ҳужжатларда баён этилган концептуал ёндашувлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий ва маданий компетентлигини ривожлантириш, ўқувчиларга хорижий тилни ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг ўзига хосликлари, педагогик шарт-шароитлар мезонлари билан боғлиқ қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мактабда чет тилини ўқитиш сифатини оширишга таъсир қиладиган муайян шароитларни яратиш, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчи ёшларнинг чет тилини ўрганиши, тил – маданий мулоқотнинг муҳим механизми эканлиги, шахснинг бошқа маданиятга мослашиши, мулоқот жараёнида фикрни таржима қилиш асосида маданиятлар ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий компетенцияларини таркиб топтириш, узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалиётга татбиқ этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "...агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони маънавиятдир"², - деб таъкидлайди. Президентимизнинг қайд этишича, "...жамиятимизда аҳоли, айниқса ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва ахлоқий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган дастурий ғоя асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир"³. Шундан келиб чиқиб, бизнинг ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг маънавий-ахлоқий

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22-may, 2015, Incheon, Republic of Korea)

² Мирзиёев Ш. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишланган видеоселектр. 19.01.2021й.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й.

жиҳатларига эътибор қаратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Инглиз тилини ўрганишда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини тизимли равишда ошириш муаммоси таълим жараёнида юксак маданиятли, ижодий фикрловчи инсонларни тарбиялаш долзарб эканлиги билан боғлиқ. Таълим парадигмасининг ўзгариши педагогика фани олдида индивид ривожланишининг асоси сифатида таълим технологияларини маданиятнинг фундаментал асосларига мослаштириш йўллари излаш муаммосини кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1875-фармонида, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-Қарорида, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПҚ-4307-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигининг ривожланиши ўрганилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, М.Абдуллаева, Б.Адилов, Н.Азизходжаева, М.Ахмедова, У.Бегимқулов, Р.Джураев, У.Иноятов, Ж.Йўлдошев, О.Мусурмонова, М.Очилов, Ў.Толиповларнинг илмий тадқиқотларида тилнинг маънавий-ахлоқий маданият ва унга мос компетентлик билан ўзаро алоқадорлиги ғоялари, «шахснинг маънавий эҳтиёжлари» ва «шахснинг маънавий қадриятлари» тушунчаларининг маъноси ва моҳиятлари берилган.

Чет (инглиз) тилини, маънавий-ахлоқий компетентлик ва унга мос маданиятни ўрганишнинг ўзаро алоқадорлиги ғоялари Ж.Джалолов, М.Маҳкамova, К.Рисқуловларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. П.Абдимуратов, С.Алаутдинов, У.Алеуов, У.Маҳкамov, Н.Ортиқов, М.Пазылова, И.Чориев, М.Бозорова, Н.Эгамбердиева, Ф.Юзликаевлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг айрим жиҳатларини ўрганган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида В.Абрамов, И. Агапов, В.Беляева, В.Беспалько, В.Библер, Е.Бондаревская, Е.Верещагин, Т.Власова, Л.Гришаева, Д.Гудков, Н.Джегутанова, Э.Доржиева, З.Зангиева, Б.Лихачёв, В.Максимов, А.Мудрик, Н.Муслимов, Т.Петракова, В.Сафонова, Е.Симонишвили, П.Симонов, В.Сластёнин, В.Фурманова, А.Хуторскойларнинг тадқиқотларида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий маданияти, «шахснинг маънавий эҳтиёжлари» ва «шахснинг маънавий кадриятлари» тушунчаларининг маъноси ва моҳияти тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан N.Bonvillian, M.Byram, D.Crystal, E.W.Hawkins, C.Kramersch, W.F.MacKay ва J.Scrivenerлар томонидан чет (инглиз) тилини, маънавий-ахлоқий компетентлик ва унга мос маданиятни ўрганишнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари ўрганилган.

Бироқ, маданиятлараро алоқалар контекстида инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш муаммоси ҳалигача етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Узлуксиз таълим тизимида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари” (2015-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тилини ўрганишда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маданиятлараро алоқалар шароитида инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг концептуал асосини белгилаш;

маънавий-ахлоқий компетентликни ошириш воситаси сифатида инглиз тили фанининг тарбиявий потенциалини аниқлаш;

Қорақалпоғистон мактабларида инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг самарадорлигини таъминловчи педагогик тартиб-қоидаларни (шарт-шароитларни) таҳлил қилиш;

маданиятлараро алоқалар шароитида инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизими моделини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти. Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўрганиш орқали ўқувчи шахсининг маънавий-ахлоқий ривожланиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ХТБга қарашли 14-сонли, Қанликўл тумани 21-сонли, Бузотов тумани 1-сонли, Нукус шаҳри 20-сонли ва 29-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 200 нафар ўқувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: мактаб ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда уларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришга оид материалларни кузатиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш; социологик тадқиқотлар, жамоавий ва яккама-якка суҳбатлар, сўровлар (ёзма ва оғзаки), анкета тарқатиш; педагогик эксперимент (қайд қилувчи, шакллантирувчи, якуний), педагогик эксперимент натижасини чиқаришда миқдорий таҳлил методидан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

информацион-коммуникатив муҳитда инглиз тилини ўқитишнинг семантик асоси ҳисобланувчи маънавий-ахлоқий компетентлик концептининг моҳияти ўқувчиларда “маънавият”, “ахлоқ”, “маданиятлараро алоқа”, “ахборот макони” тушунчаларини ички англаниши (интериоризацияси) ва одат (фазилатлар) кўринишида ёрқин намоён бўлишининг амалий фаолият билан уйғунлигини таксономик тавсифини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

маънавий-ахлоқий компетентлик соҳасида жамиятнинг интеграл ресурси бўлмиш маданиятлараро алоқанинг тарбиявий имконияти шахс томонидан миллий ва ўзга маданиятга аксиологик муносабатни ифода этувчи кадриятли йўналганликнинг лингвомаданий аспектиларини ўқув материалларини структуралаш мантиқига мақсадли йўналтириш орқали аниқлаштирилган;

ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш модели кадриятли-мақсадли, таркибий, технологик, натижавий-баҳолашга доир компонентларга мувофиқ инглиз тилини ўрганишнинг коммуникативлик даражасининг нутқий компетенциялар билан интеграл алоқасини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими маънавий-маърифий жиҳатдан индивидуал-шахсий ривожланишни белгилаб берадиган субъект позициясининг (фаоллик, мустақиллик, ижодкорлик, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини таҳлил қилиш) намоён бўлишини ўқитувчи фаолияти тузилмаси (метатехнология) ва полифоник диалог, виртуал реалликка асосланган ўқув-билиш фаолиятининг дидактик комбинациясини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиришнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиришга доир тўғарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактлар хорижий педагог-олимларнинг назарий ғояларига асосланганлиги, қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш, социометрик: анкета, интервью, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик ва статистик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришга кўмаклашувчи методологик ёндашувлар ва педагогик шароитлардан фойдаланилганлиги, ёшларда ўзини ўзи ривожлантирувчи таянч компетенциялари (шахсий, умуммаданий), ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий материаллар асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси мактабларида инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш бўйича педагогик тизим модели ишлаб чиқилганлиги, инглиз тили фани тўғарак машғулоти дастури ва ўқувчиларда маънавий-ахлоқий компетентликнинг ривожланганлигини баҳолашнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Инглиз тилини ўрганишда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизимига доир тадқиқот натижалари асосида:

информацион-коммуникатив муҳитда инглиз тилини ўқитишнинг семантик асоси ҳисобланувчи маънавий-ахлоқий компетентлик концептининг моҳиятини ўқувчиларда “маънавият”, “ахлоқ”, “маданиятлараро алоқа”, “ахборот макони” тушунчаларини ички англаниши ва одат кўринишида ёрқин намоён бўлишининг амалий фаолият билан уйғунлигини таксономик тавсифини ҳисобга олиш орқали аниқлаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 30 июлдаги 180-сон “Умумий ўрта таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосори ва синф раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи асосида таълим муассасасида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Инглиз тили” фан тўғарагини ташкил этишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 2021-йил 25 мартдаги 01-01-9/1431 сон маълумотномаси). Натижада, инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган тўғарақлар фаолияти мазмунини маънавий-ахлоқий тавсиядаги материаллар билан бойитишга хизмат қилган;

маънавий-ахлоқий компетентлик соҳасида жамиятнинг интеграл ресурси бўлмиш маданиятлараро алоқанинг тарбиявий имкониятини шахс томонидан миллий ва ўзга маданиятга аксиологик муносабатни ифода этувчи қадриятли

йўналганликнинг лингвомаданий аспектларини ўқув материалларини структуралаш мантиқига мақсадли йўналтириш орқали аниқлаштириш, ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш моделини қадриятли-мақсадли, таркибий, технологик, натижавий-баҳолашга доир компонентларга мувофиқ инглиз тилини ўрганишнинг коммуникативлик даражасининг нутқий компетенциялар билан интеграл алоқасини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ХТ-0-92997. “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012-2014 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 8 февралдаги 32-сон маълумотномаси). Натижада, тил таълими жараёнида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизимини маънавий-маърифий жиҳатдан индивидуал-шахсий ривожланишни белгилаб берадиган субъект позициясининг намоён бўлишини ўқитувчи фаолияти тузилмаси ва полифоник диалог, виртуал реалликка асосланган ўқув-билиш фаолиятининг дидактик комбинациясини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И1-ХТ-0-17222. “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” (2013-2014 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 29 январдаги 30-сон маълумотномаси). Натижада, миллий менталитетга хос ўқув материалларини инглиз тилини ўрганиш жараёнида самарали қўллашнинг дидактик имкониятларини кенгайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган; диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инглиз тилини ўрганишда мактаб ўқувчиларининг компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида педагогика фанида ўқувчилар компетентлиги тушунчаси, тузилиши ва мазмуни; чет тили ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентликни ўзлаштиришининг омили сифатида; мактаб ўқувчиларига хорижий тилни ўргатишда шахсга йўналтирилган тарбиявий ёндашувнинг ўзига хосликлари масалалари хусусида фикр юритилган.

Тадқиқотда «Компетентлик» деганда шахсий сифатларнинг яхлит тавсифи, таълим муассасаси (хусусан, мактаблар) ўқувчиларининг муайян соҳаларда (компетенцияларда) фаолият кўрсатиш учун тайёргарлик даражаси тушунилади. Шу билан бирга «компетентлик» сўзи латинча «competere» сўздан келиб чиққан бўлиб, «қодир бўлиш» маъносини билдиради. Бунинг устига ўқувчи индивидуал компетентлигининг муҳим таркибий қисми унинг киришимлилиги ҳисобланади. У шахслараро мулоқотларни ҳам, барча турдаги информацион алоқаларни ҳам ўз ичига олади.


Компетентлик тажрибаси ўқувчининг атрофидаги воқеликка ижтимоий ва шахс сифатида мослашишига кўмаклашади. Шу боис, ушбу тажрибани ташкиллаштириш ўқувчининг тафаккурига, ўзига хос хусусиятига, ўзини ижодий намоён қилишига, важларига жадал таъсир қилиш усулларига боғлиқ. Компетентлик тажрибаси – ўқувчилар эгаллайдиган янги хусусиятдир. Бу хусусият – ўқувчилар эга бўлган билим ва кўникмаларни амалда қўллай олиш қобилиятига унча мос бўлмаган, аммо мазкур қобилиятни ўз ичига олган кўп қиррали, бирлаштирувчи хусусиятдир.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланиши унинг ривожланиши, камолотидаги нодир жараёндир.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир кишининг маънавият ва ахлоққа эга бўлиш жараёни инсонлар ўртасида бир-бирини тушуниш ва инсоний муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Яна қайд этиладики, «идеал, маънавият – қандайдир мутлоқ нарса бўлиб, ҳаётимизнинг ҳар хил структураларида, ҳар хил маданиятларда, турли этнос ва цивилизацияларда, ҳар хил динларда амалга оширилади.

Маънавий-ахлоқий компетентлик деганда ҳар ким бегонасирамасдан, дунёнинг яхлит манзарасини, бирлигини шакллантирар экан, инсонлар

жамиятининг маънавий-ахлоқий мазмунини яратишда ўзининг иштироки муҳимлигини англаб етиши керак.



1-расм. Ўқувчилар индивидуал компетентлигининг структуравий модели

Биз шундай хулосага келамизки, аслида «маънавий-ахлоқий компетентликнинг ривожланиши» – ўқувчиларнинг асосий миллий қадриятларни ўзлаштириш ва қабул қилишининг педагогик уюштирилган жараёнидир, умуминсоний қадриятларни, Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли халқининг маданий, маънавий ва ахлоқий қадриятларини ўзлаштириш жараёнидир.

Мақтаб ўқувчилари маънавий-ахлоқий компетентлигининг қадриятлари ахлоқнинг қуйидаги анъанавий манбаларига мос бўлади: ватанпарварлик, ижтимоий бирдамлик, Ватанга содиқлик, оила, меҳнат ва ижод, илм-фан, дин, адабиёт ва санъат, табиат, инсоният.

Чет тилини ўрганаётган ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлиги миллий ва чет тилидаги маданиятлар контекстида кўриб чиқилади. Чет тилини ўрганишда шахсга йўналтирилган ёндашув ўқувчининг ўзини англаш, ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини намоён қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва таъминлашга, унинг бетақроп индивидуаллиги ва маънавий қиёфасини шакллантиришга имкон беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида ўқувчилар ўқув жараёнининг асосий субъекти ва иштирокчисига айланади. Чунки айнан у унга сезиларли таъсир кўрсатади. Ўқитувчи тил ўрганиш жараёнини мувофиқлаштириши, ўқув мақсади ва траекториясини белгилаши, ишни шунга мос ташкил қилиши ва керакли ресурсларни тақдим этиши шарт.

Натижада ўқувчилар чет тили дарсида билим олибгина қолмай, ўқув жараёни қандай тузилганини, реал ҳаётда уни қандай қўллаш мумкинлигини тушунишлари, шунингдек, зарур маънавий-ахлоқий компетентликни ҳам эгаллаши керак.


Диссертациянинг «Чет тилини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хосликлари» деб номланган иккинчи бобида инглиз тилини ўрганиш

ёрдамида мактабда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тушунчаларини оширишнинг педагогик шароитлари, инглиз тилини ўрганишда инновацион методларнинг ўқувчилар маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришдаги роли, инглиз тилини ўрганиш шароитида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш модели масалалари очиб берилган.

Мактабда чет тилини ўқитиш сифатини оширишга таъсир қиладиган муайян шароитларни яратиш зарур. Шу билан бирга, «Педагогик шароитлар» тушунчаси илмий-педагогик тадқиқотларда кўп қўлланади. Қўлланишига кўра «шароит» сўзи кўп маънолидир, «педагогик шароитлар» атамаси таркибида у кўпинча қуйидаги маъноларда ишлатилади: «нимадир боғлиқ бўлган ҳолат», «шартлашувчи тарафлардан бири билдирадиган талаб», «бирон нима ҳақида оғзаки ё ёзма келишув, битим», «бирон нима юз берадиган, амалга ошириладиган вазият».

Тадқиқотда «педагогик шароитлар» – умумтаълим мактаби шароитида ўқувчиларга чет тилини самарали ўқитиш имконини берадиган, уларнинг яратилишини таъминлайдиган педагогик чоралар, шунингдек, муҳит омиллари ва мезонлардир.

Тадқиқотимиз мавзусига мос равишда шунини таъкидлаш керакки, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини ошириш чет тилини ўрганишда қуйидаги элементларни ўз ичига олувчи педагогик шароитлар комплексига риоя қилгандагина мумкин бўлади.



2-расм. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва компетенциялар шаклланганлиги даражасини кўтариш мақсадида педагогик шарт-шароитлар комплекси

Баён этилган педагогик шароитлар мактабда ўқувчиларга чет тилини самарали ўқитиш имконини беради. Бунда ўқувчиларнинг чет тилидаги

билимларни эгаллашдаги мустақиллиги, чет тилидаги коммуникатив компетенциялари, ижодий қобилияти, шунингдек, маънавий-ахлоқий компетентлиги ва чет тилидаги нутқий фаолиятида фаол ҳаётий позициясининг шаклланиши ривожланади.

Инглиз тилини ўқитишнинг хилма-хил инновацион методлари дебат, АКТ ва амалий ўйинлардан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга бўлиб, ўқувчиларни янги билимларни олишга ўргатишга ёрдам беради, уларнинг ижодий ва ташкилотчилик қобилиятини ривожлантиради, тил ўрганишга кучли рағбат беради. Бундан ташқари, инновацион методлар назария ва амалиётни уйғунлаштириш имконини беради, фан бўйича билимларни, профессионал малака ва кўникмаларни шакллантиради, шунингдек, маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантиради.

Ташкилий жиҳатдан концептуал модел «жараёнлар-компонентлар»нинг бирлиги туфайли яхлитлик касб эта бошлайди:

1. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тажрибасини аниқлаш, инглиз тилини ўрганиш мотивацияси, шахснинг шахсий-профессионал эҳтиёжлари ва қобилиятларини аниқлаш.

2. Ушбу муҳитда назарда тутилаётган таълим жараёнининг қадрият-мақсадли йўл-йўриқлари ва вазифаларини таърифлаш ва саралаш.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия: аксиологик, гносеологик ва конструктив-проектив тарбия модели асосида таълим ва тарбия мақсадларини амалга ошириш бўйича энг мақбул стратегияни ишлаб чиқиш.

4. Инглиз тилини ўрганишда маънавий-ахлоқий тарбиянинг шунга мос мундарижасини ишлаб чиқиш.

5. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг дастурий-мақсадли стратегияси доирасида таълим жараёнини технологик ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.


6. Мактаб таълим муҳитида педагогик жараённинг методик таъминотини (модулар, кейслар, методик-технологик пакетлар, ижодий лойиҳалар ва б.) яратиш.

7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини технологик таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш, ўқув-тарбиявий технологияларни синовдан ўтказиш.

Миллатлараро алоқалар контекстида мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбиясини белгилайдиган концептуал қоидалар асосида биз яхлит педагогик жараён структурасига (мақсадлар, принциплар, мазмун, технологиялар, восита ва шакллар, натижалар) мос равишда инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизимининг моделини яратдик.

Инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизимининг концептуал модели қўйилган мақсадни амалга ошириш, уни амалга ошириш жараёнини структура ва яхлитликда кўриб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир қилувчи элементларини ажратиш, ўқитувчи ва

Ўқувчиларнинг мактабдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини беради.



3-расм. Инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий- ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизими модели

Диссертациянинг учинчи боби «**Инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини такомиллаштириш борасидаги тажриба-синов ишлари**» деб номланган бўлиб, унда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг диагностик тавсифи; инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмуни; Қорақалпо-ғистон мактаблари ўқувчиларига таълим-тарбия бериш жараёнида олинган тажриба-синов натижаларини татбиқ қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Педагогик ташхис ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбияси ва ривожланишининг турли жиҳатлари таҳлилининг муҳим воситаси ҳисобланадики, у ўқувчининг муваффақиятлари ҳақида тезкор ва холис информация олиш, таълим жараёни мазмуни, технологияларига ўз вақтида тузатишлар киритиш имконини беради.

Тадқиқотимизда ўқувчилар маънавий-ахлоқий компетентлиги ривожланишининг субъект тажрибаси ташхис предмети бўлдики, у шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилашида қадрият йўналишларининг намоён бўлиши,

Ўқувчиларнинг инсонга бугунги жамиятда зарур бўлган сифатлар ҳақидаги, маънавий-ахлоқий тажриба шаклланишига микромуҳитнинг турли омилларининг таъсири ҳақидаги тушунчалари намоён бўлиши билан боғлиқ.

Диагностик тадқиқот жараёнида кузатув, эксперт баҳоси, баҳолаш, тест саволларини ўз ичига олган анкета сўрови методидан фойдаланилди. Диагностик тадқиқотни ташкил этишда қуйидагилар етакчи принциплар сифатида қайд қилинди:

педагогик ҳодисаларни яхлит ўрганиш принципи;

тадқиқот методларидан комплекс фойдаланиш принципи;

холислик принципи;

ҳодисаларни ўзгариш ва ривожланиш жараёнларида ўрганиш принципи.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ХТБга қарашли 14-сонли, Қанликўл тумани 21-сонли, Бўзотов тумани 1-сонли, Нукус шаҳри 20-сонли ва 29-сонли умумтаълим мактабларининг (2018-2019 йй.) дастлаб 10-, кейин 11-синф ўқувчилари, жами 200 нафар ўқувчи ўртасида сўровнома ўтказилди.

Шахнинг маънавий-ахлоқий компетентлиги ривожланиши соҳасини ташхислаш икки тилда амалга оширилди. Яъни ўқувчилар берилган саволларга икки (она тили ва инглиз) тилда жавоб бердилар.

Тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, инглиз тилини муваффақиятли ўзлаштириш бўлғуси касб жозибadorлиги билан боғлиқ. Инглиз тилини ўрганишда касбий йўналганлик мотивларини кўрсатган ўқувчилар ўзлари танлаган касб фаолияти жозибadorлигини анча юқори баҳолайдилар: ижтимоий эътироф, обрў-эътиборга эришиш имконияти, карьера қилиш ва муваффақиятга эришиш имконияти. Тўғридан-тўғри алоқа мавжуд: юқори даражадаги тил тайёргарлиги қўшимча касбларни ўрганишга рағбат беради.

Тажриба-эксперимент ишлари жараёнида инглиз тилининг тарбияловчи имкониятлари, маданиятлараро алоқаларнинг маънавий-ахлоқий потенциалдан фойдаланиб, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетенция-лари ривожланишини фаоллаштиришга уриндик.

Инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган педагогик тизим моделини экспериментал апробациядан ўтказиш 2018-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ХТБга қарашли 14-сонли, Қанликўл тумани 21-сонли, Бўзотов тумани 1-сонли, Нукус шаҳри 20-сонли ва 29-сонли умумтаълим мактабларида ўтказилди.

Экспериментнинг тасдиқлаш босқичи (2019-2020 йй.) инглиз тилини ўрганиш мотивлари, тил тайёргарлиги даражасига ўзларининг баҳо бериши, афоризмлар, максималар, мақолларда онгнинг намоён бўлиши таҳлили ва ташхисини ўз ичига олди.

Экспериментда аввалига кейинги йили 11-синфга ўтган 10-синф ўқувчилари (жами – 200 нафар) иштирок этишди. Лойиҳа 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб экспериментга фақат 10-синф ўқувчиларини жалб этган ҳолда амалга оширилади. Шу тариқа, бир гуруҳ ўқувчилари икки йил давомида экспериментда қатнашди.

2018-2020 йй. давомида шаклланган эксперимент қуйидаги кичик лойиҳаларни ўз ичига олган узоқ муддатли лойиҳа доирасида амалга оширилди: ўқитувчи томонидан она тили ва инглиз тилида базавий концепт-матнлар ишлаб чиқилади, кейин ўқувчилар уларни эссе, савол-жавоб, машқлар, аннотациялар, тезислар ва ҳк. шаклда шарҳлайдилар. Моҳиятан, қуйидагилар амалга оширилади:

Интернет, маданиятлараро мулоқот майдони туфайли инфорацион макон, маънавий-ахлоқий соҳалар концептларини кенгайтириш ва бойитиш;

ўқувчиларнинг жараёнлар тавсифи контекстида, жумладан, ахлоқий маданият, изоҳлар, коммуникатив ҳамкорлик талқини, ўзбек ва инглиз тилларида берилган матнлар тил системаларининг образли таҳлили контекстида маданиятлараро коммуникация воситалари ва методларини ўзлаштириши;

мулоқот проекцияларида коммуникатив амалиёт метатехнологиялари салоҳиятидан ҳамда ижодий фаолиятнинг турли шаклларида фойдаланиб, ўқувчиларни ижтимоий ҳамкорликка (реал ва виртуал) жалб этиш.

Таҷриба-синов ишлари натижаларини баҳолаш босқичида (2019-2020 йй.) экспериментал (100 нафар) ва назорат (100 нафар) гуруҳлари белгилаб олинди. Ўқувчиларнинг кадриятли-маъновий мўлжаллари шаклланган-лигининг диагностикаси учун қуйидаги методикалар мажмуидан фойдаланилди: ҳаётий кадриятларнинг морфологик тести (В.Ф. Сопов, Л.В. Карпушина), С.Шварц сўровномаси. Маълумотларни С.Шварц сўровномаси бўйича шарҳлаш назорат ва эксперимент гуруҳлари ўқувчиларининг қайси кадриятларни афзал кўриши иерархиясини аниқлаш имконини берди.

1-жадвал

Афоризмлар, максималар, мақолларда тафаккурнинг намоён бўлиши (10 баллик мезонда баҳоланади – сўровда иштирок этган ўқувчилар сонига нисбатан % ҳисобида)

Эркин иборалар	НГ (100 нафар) %	ЭГ (100 нафар) %
1. Ўз яқинингни ўзингни севгандек сев	34	82
2. Сўранг, сизга берилади; изланг ва топинг; тақиллатинг, эшикни очишади	22	18
3. Сабр таги сариқ олтин	36	32
4. Ҳар кимса ўзи учун яшайди, бошқалар учун эса – қабул қилинганидек	88	30
5. Бўрилар билан яшаш – бўрилардек увиллашдир	94	42
6. Одобрни одобрсиздан ўрган	90	28
7. Яхшилиқ қил, дарёга от, билса балиқ билсин, билмаса холик.	64	26
8. Сабр-тоқат – энг яхши чора	12	14
9. Такводорлик машаққатидан ҳашаматли саройда яшай олмайсан	80	30
10. Ўнг юзингга урганга чап юзингни тут	10	38
11. Билим бахт келтирар	72	16
12. Алдамасанг – яшай олмайсан	62	16
13. Қўлга тушмадингми, ўғри эмассан	70	8
14. Инсон инсонга – дўст, ўртоқ, биродар	42	96

Умуман олганда, эксперимент гуруҳи маънавий детерминанти ҳамкорлик ва толерантликка мойиллиги билан характерланади. Буни сўров иштирокчиларининг 88% и намоиш этган. Агрессия билан рақобат вектори назорат гуруҳи ижтимоий ҳамкорлигининг ўзига хосликларини характерлайди.

Эксперимент (ЭГ) ва назорат (НГ) гуруҳларида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлиги ривожланиши даражаси (0 дан 5 гача шкалада) 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигига ўзлари қўйган баҳолари натижалари

№	Маънавий-ахлоқий компетентлик кўрсаткичлари	2018-2019 йй.		2019-2020 йй.	
		НГ	ЭГ	НГ	ЭГ
I.	Маънавий-ахлоқий қадриятлар				
1.1	Маънавий ривожланиш ҳаёт мазмуни, мақсади, қадрият сифатида	4,1	4,0	4,2	4,8
1.2	Инсонпарварлик, виждонлилик ва масъулиятлилик ҳаётий қадрият сифатида	4,0	4,0	4,1	4,7
1.3	Маънавий-ахлоқий ривожланиш ва ўзлигини намоён этиш шахсий эҳтиёж сифатида	3,9	3,8	4,1	4,7
II.	Маънавий- ахлоқий билимлар				
2.1	Маънавий принциплар ва ахлоқ нормаларини билиш	4,2	4,1	4,3	4,9
2.2	Маънавий маданиятнинг жаҳон, миллий ва шахсий соҳаларини билишга интилиш	4,1	4,1	4,2	4,6
